

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

УДК: (0880.3)+.035.6

## “ҚАНОТЛИ СЎЗЛАР”ДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ

## ЧУВСТВО ПАТРИОТИЗМА В “КРЫЛАТЫХ СЛОВАХ”

## SENSE OF PATRIOTISM IN “WINGED WORDS”

Г.Исакова<sup>1</sup><sup>1</sup>Г.Исакова— Тошкент давлат стоматология институти,  
филология фанлари номзоди, доцент.**Аннотация**

Ёш авлодга ватанпарварлик туйғусини сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Аввало, ушбу туйғуни том маънода англаш, уни онгга сингдириш ва ёш авлод тарбиясига йўналтириш масаласи долзарбдир. Қуйидаги мақолада ўзида ватанпарварлик туйғусини акс эттирган қанотли сўзлар борасида сўз юртилади. Улар образли, ихчам, лўнда, маънодор ва шунинг билан бирга бирор воқеа ёки ҳодиса билан боғлиқлиги туйғули онгимизга осон ўрнашади, ёдимизда узоқ сақланади ва ушбу ғояни чуқур сингдиришда ёрдам беради.

**Аннотация**

Воспитание у молодежи чувства патриотизма имеет важное значение. Прежде всего, актуален вопрос осознания этого чувства в буквальном смысле, усвоения его в сознании и направления на воспитание подрастающего поколения. В статье речь идет о крылатых словах, отражающих чувство патриотизма. Они образные, лаконичные, краткие, смысловые и поэтому легко оседают в нашем сознании благодаря тому, что связаны с конкретным событием или явлением, долго сохраняются в памяти и помогают глубоко впитать эту идею.

**Annotation**

It is important to absorb the sense of patriotism to the younger generation. First of all, the question of literally understanding this feeling, absorbing it into consciousness and directing it to the upbringing of the younger generation is relevant. In the following article it is mentioned about the winged words that reflect the feeling of patriotism. They are imaginative, compact, laconic, meaningful and, therefore, easily settle in our minds due to their attachment to an event or phenomenon together, are kept in mind long and help to deeply absorb this idea.

**Таянч сўз ва иборалар:** қанотли сўз, образли, лўнда, маънодор, қўлланувчан, мақол, афоризм, ватанпарвар, онг.

**Ключевые слова и выражения:** крылатые слова, образный, ёмкий, значимый, употребительный, пословица, афоризм, патриотический, сознание.

**Keywords and expressions:** winged word, figurative, laconic, meaningful, commonly used, proverb, aphorism, patriotic, consciousness.

Ватанпарварлик, ватанни севиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаш, ватанни соғиниб яшаш инсоният табиатида хос нозик ҳис-туйғулар саналади. Бу каби туйғуларни шахс онгида шакллантириш, сингдириш доимо долзарб бўлиб келган. Зеро, ватаннинг келажиги ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши, улардаги ватанпарварлик туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада давлатимиз миқёсида қатор ишлар амалга ошириляётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [1] Қарорнинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янада авж олаётганидан далолатдир.

Нутқимизда ватан туйғусини ифода этувчи, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этувчи мақол ва афоризмлар кўплаб кузатилади.

Шулар сирасида бир қатор қанотли сўзлар мавжудки, улар ватанпарварлик туйғусини онгимизга образли тарзда сингдиради ва шахс тарбиясида муҳим ўрин касб этади.

Мисол тариқасида қадимги юнон мифологиясида келтирилган *Aut cum scuto, aut in scuto* (пот.), яъни *Қалқон билан ёки қалқон устида қайт*. Манбаларда айтилишича, қадимги юнон аёллари ўғилларини жангга кузатаётиб ушбу қанотли ифодани айтишар экан. Ифода “Ғолиб бўлиб ёки ўлик бўлиб қайт”, деган маънони англатади. Чунки жанглардан сўнг, одат бўйича, халқи учун курашиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчиларни қалқонлари устига солиб, олиб келишар экан. Шунга кўра, ушбу ифода “ғолиблик ёки ўлим” маъносини билдиради.

Биламизки, оналар фарзанд тарбиясида, умуман миллат тарбиясида муҳим саналади. Онанинг фарзандга айтаётган бундай даъвати, ўғлонни онага,

халқига, ватанига жон фидо қилишга тайёр, мард, жасур, садоқатли бўлиб етишишга чорлайди. Унда “ғолиблик”, “фидокорлик”, “қахрамонлик”, “садоқат” тушунчалари намоён бўлмоқда.

Ўз яшаш жойини муқаддас деб билиш, уни авайлаш, асраш қадимдан мавжуд. Масалан, *Rentrer chez ses pénates* (фр.), яъни *Ўз пенатларига қайтмоқ*. Қадимги Римда пенатлар оиланинг бирлиги ва бутунлигини сақлайдиган худолар саналган. Шунинг учун Европа халқларида *Ўз пенатларига қайтмоқ* ибораси “ўз уйларига, яшаш жойларига қайтмоқ”ни англатади. Иборада “содиқлик”, “қадрлаш” тушунчалари кузатилмоқда ва бу, орқали шахснинг ўз маконига, ватанига содиқлиги англанади.

Келиб чиқиши тарих билан боғлиқ бўлган қанотли сўзлар орасида ҳам ватанпарварлик ғоясини ўзида ёрқин акс эттирган ифодалар фаол кузатилади.

Масалан, *La Pucelle d'Orléans* (фр.), яъни *Орлеан қизи*. Маълумки, 1337-1453 йиллар давомида Франция ва Англия ўртасида бўлиб ўтган “Юз йиллик уруш”да улкан қахрамонлик кўрсатган Жанна Д’Арк француз миллий қахрамонига айланган. Ёзувчи Вольтер Жанна Д’Аркка бағишлаб “*La Pucelle d'Orléans*” номли машҳур шеърини ёзган. Французлар нутқида *Орлеан қизи* Жанна Д’Аркнинг синонимига айланган. Иборада “қахрамонлик”, “содиқлик”, “фидокорлик” тушунчалари ёрқин акс этган.

Шунингдек, француз генерали Камбронга мансуб *La Garde meurt, mais ne se rend pas* (фр.), яъни *Гвардия ўлмоқда, лекин таслим бўлмади* ёки француз революционери Жорж Жак Дантонга мансуб *Est-ce qu'on emporte la patrie à la semelle de ses souliers?* (фр.), яъни *Ватанни пойабзал тағида олиб кетиш мумкинми*, қанотли ифодаларини келтириш мумкин. Уларнинг мазмунидан англанаётган “фидокорлик”, “жасорат”, “садоқат” тушунчалари ватанпарварликнинг ёрқин тимсолидир.

Халқимизда “Одобни беодобдан ўрган”, деган нақл бор. Буни эслашимизга сабаб, қанотли сўзлар орасида шундайлари борки, улар ватан ва ватанпарварлик туйғуларининг асл маъносидан мосуво бўлган шахсларга ишора қилади. Маълумки, танқидий ўрганиш натижасида ижобий кўрсаткичларга эришиш мумкин. Шунга кўра, қуйида келтирилган

қанотли сўзлар ватанпарварлик туйғусига нисбатан зид маъно англатади ва унинг асл моҳияти, пайдо бўлиш тарихи, сабаби очиб берилиши натижасида ўрганувчида танқидий фикрлаш уйғонади. Ва шахс онгига ватанпарварлик туйғуси янада мустақкамроқ жойлашади ҳамда ҳаётда кузатилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат ҳам фикрни чалғита олмайди.

*L'Etat c'est moi* (фр.). 1655 йил Франция парламенти ўз йиғилишида Людовик XIV дан олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришни талаб қилади. У ушбу йиғилишда сўзлаган нутқида парламент аъзоларига мурожаат қилиб, шундай дейди: “Бекорга ўйлаяпсизлар, давлат бу - сизлар эмас, давлат бу – мен”. Унинг ушбу сўзлари ўша вақтда давлатда ҳукм сурган мутлақ монархия моҳиятини аниқ ифодалаб берган. Ифода бир неча юз йилликлар давомида яккахоқимликнинг тимсоли бўлиб келмоқда. Ҳозирда *Давлат бу – мен* ифодаси ўз шахсини юқори қўядиган, ўзини жамиятда энг аҳамиятли шахс деб ҳисоблайдиган, ўзгаларнинг фикрларини инobatга олмайдиган инсонга нисбатан қўлланади ва унда ватанпарварлик туйғулари учун зид бўлган “шуҳратпарастлик”, “худбинлик” тушунчалари намоён бўлмоқда.

Ушбу туркумга *Après moi (nous) le deluge* (фр.), яъни *Биздан кейин, менга деса, дунёни сув босмайдими* ёки Генрих IVга мансуб *Paris vaut une messe!* (фр.), яъни *Париж ибодатга арзийди* қанотли ифодаларини киритиш мумкин. Улардан англанаётган “худбинлик”, “виждонсизлик”, “сотқинлик” тушунчалари ватанни инқирозга етакловчи, ватандан ўз манфаати йўлида фойдаланувчи, хиёнаткор шахсларни ифодалайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қанотли сўзлар ватанпарварлик туйғусини образли, ихчам, лўнда, маънодор ва шунинг билан бирор-бир воқеа ёки ҳодиса билан боғлиқ ҳолда ифодалаши туфайли онгимизга осон ўрнашади ҳамда ёдимизда узоқ сақланади. Таҳлиллар натижасида юзага келган *ғолиблик*, *фидокорлик*, *қахрамонлик*, *садоқат*, *содиқлик*, *қадрлаш*, *жасорат*, *курашиш ёки ватангадолик*, *енгилтаклик*, *чидамсизлик*, *виждонсизлик*, *худбинлик*, *сотқинлик*, *шуҳратпарастлик*, *виждонсизлик* тушунчалари уларнинг маъноларини кенг ёритиб беради ва қўллаш

учун танлаш имконини беради. Юқорида келтирилган *қанотли сўзлар* кўзланган мақсадга эришишда, яъни ватанпарварлик туйғусини том маънода англаш, уни онгга сингдириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда самарали хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2020 йил 10 июнь, 369-сон.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.
3. Тимескова И.Н. Крылатые слова, их значение и происхождение. –Л.: Просвещение, 1974.
4. Овруцкий Н.О. Крылатые латинские изречения в литературе. -Киев, 1962.
5. Назарян А.Г. Почему так говорят по-французски. – М., 1968.
6. Шулержова С.Г. Крылатые выражения русского языка, их источники и развитие. –М.: Наука. 2002.
7. Le Petit Larousse. Dictionnaire encyclopédique. - Paris, 1993.
8. [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz) Ўзбек халқ мақоллари/Ҳикматлар/

*(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).*